O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

*2000 йил*

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА | 1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган | • 25 август, №35(3573) •


## МУҚАДДАСДИР МИЛЛАТ ШАЪНИ, ВАТАН ШАРАФИ!

**Ислом КАРИМОВ:** *Бугун Ўзбекистондаги ҳар бир виждонли инсоннинг муқаддас бурчи мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилишдир.*

Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВ

## ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ

Бугун юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи кезиб юрибди. Улуғ айём арафасида ўзгача завқ, ўзгача сурур ҳар бир жамоада, ҳар қайси касб-кор соҳибида хуш, кўтаринки кайфият пайдо этган. Ахир, муқаддас неъмат дея ардоқлаб келаётганимиз — Мустақиллик ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Истиқлол йўлида эрксевар халқимизнинг қанчадан-қанча маърифатпарвар, жасур фарзандлари ўз азиз жонларини қурбон қилишмади.

Мана, боболаримиз узоқ орзу қилган озод Ватан ҳавосидан эмин-эркин нафас олаётганимизга ҳам тўққиз йил бўлибди. Пешонамизни ёритган Ҳуррият қуёши Ўзбекистонимизни Ватан тутган барча элу элатларнинг хонадонини ёруғ қилди, турмушига қут-барака киритди. Энг муҳими, барча бирдай ҳур мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлдики, бу ҳуқуқ эндиликда зиммамизга Истиқлолга муносиб инсонлар бўлишдек катта масъулиятни юклайди.

Хусусан, биз санъаткорлар кейинги йилларда театр санъати ривожига катта туртки берган Президентимиз фармони ва бошқа қатор тадбирлардан ғурурга тўлиб, театрларимиз репертуарлари ранг-баранг асарлар билан бойиганидан илҳомланиб ижод қилиб келаяпмиз. Соҳибқирон Амир Темур, Ал-Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Алпомиш, Имом Бухорий, Чўлпон, Усмон Носир каби ўзбек халқининг шавкатли баҳодирлари ва до-



нишманд ўғлонлари образларининг саҳнага чиққани Истиқлолнинг миллатпарварлик, тараққийпарварлик йўлидаги дадил одимлари бўлди. Истиқлол йиллари мен адабиётимиз фахри бўлган буюк намояндалар — Бобур Мирзо, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Чўлпон сиймоларини саҳнада яратишдек масъулиятли ва шарафли ижодий ишга қўл уришга муяссар бўлдим. Мазкур образлар ижроси фаолиятимнинг энг қадрли ва азиз қисмидир.

Шунингдек, мустақил юртимизнинг Конституциясига бағишланган «Адолат қомуси» номли ўн қисмдан иборат видеофилмдаги бошловчи образи ҳам мен учун ғоятда эъзозли... Бундай имконият ва ижод эркинлиги ҳам Истиқлол шарофатидандир.

**Истиқлол, шубҳасиз, буюк неъмат. Юртбошимиз таъкидлаб айтганларидай, унга барчамиз муносиб бўлишимиз ва уни кўз қорачиғидай асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак. Саҳнага олиб чиқилган қаҳрамонлар образи ватандошлар қалбида, айниқса, ёшларда она-диёримизга меҳру муҳаббат туйғуларини алангалатса, ёвуз ниятли бадкирдорларга қарши нафрат ҳиссини жўш урдирса, санъаткор ўз бурчини бажарганидан қониқиши мумкин. Яъни, Истиқлолга муносиб бўлишдек шарафли бурч барчамиздан фидойиликни талаб этади.**







Бундай зиё кошоналари истиқлол йилларида кўплаб қурилди. Дарвоқе, мустақилликдан кейин мамлакатимиз таълим тизимида туб ўзгаришлар рўй берди. Ёш авлодга барча фанлар бўйича замонавий пухта билим бериш, уларни ўз танлаган соҳаларининг етук мутахассислари қилиб тарбиялашдай миллат ва мамлакат келажагини белгилайдиган долзарб вазифа Республикамиз Президентининг доимий эътиборидадир. Билимли ва иқтидорли ёшларни танлаб, уларга фан сирларини чуқур сингдириб, халқаро мезонларга мос кадрлар тайёрлашда, айниқса, академик лицейларнинг фаолияти катта умид уйғотаётир. Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги арафасида ишга тушиши кутилаётган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей (юқоридаги суратда) ва пойтахтимиз кўркига кўрк бўлиб қўшилган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей бинолари (қуйидаги суратда) ана шундай билим масканларидандир.

**С.МАҲКАМОВ суртга олган**

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ

## ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

Мана, Мустақилликнинг тўққизинчи йили ҳам келиб қолди. Мен бу ўтган йиллар ҳақида ўйлар эканман, яқинда содир бўлган бир воқеани эслайман. Шу йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг умумий йиғилишида Академиянинг кўп жиҳатлардан янгиланган устави қабул қилинди. Шу асосда бошқа бир муҳим масала ҳам кўрилди. Қарийб 60 йил давомида расмийлашиб қолган Академияга мухбир-аъзолик илмий даражаси тугатилди. Барча мухбир-аъзолар овозга қўйиш йўли билан ҳақиқий аъзолик — академикликка муносиб деб топилди. Бу ноёб воқеа бевосита Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан юз берди.



Дарҳақиқат, Академия аъзоларини икки тоифага бўлиб, ҳақиқий ва ноҳақиқийга ажратиб қўйиш ғайритабиий бир ҳодиса эди. Бошқачароқ қилиб айтганда, Академия аъзоларининг бирларини улуғлаб, иккинчиларини камситиб қўйилган эди. Шугина эмас, балки бу тарздаги сунъий ажратиш жаҳон меъёрларига зид бўлиб, кўпроқ илмни коммунистик партия тартиб-қоидаларига, унинг уставига мослаштиришдан иборат эди. Шу боисдан бошқа мамлакатларда мухбир-аъзолик хусусида анчагина ла-

(Давоми 3-бетда.)

## ТЎЁНА

«Ўзфармсаноат» Давлат ҳиссадорлик концерни «Компьютер-Осиё» илмий-техника парки билан ҳамкорликда «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб номланган мултимедиа алманахини яратди. Мустақил Ўзбекистон босиб ўтган йўлнинг ўзига хос шарҳи сифатида тайёрланган мазкур замонавий ахборот-дастурий компакт дискни Мустақилликнинг тўққиз йиллигига тўёна дейиш мумкин.

Бугунги Ўзбекистоннинг маънавий-иқтисодий салоҳияти, тарихи ва анъаналари, Президент И. Каримов раҳбарлигида давлат ва миллат тараққиёти йўлида олиб борилаётган сиёсатнинг энг муҳим йўналишлари акс эттирилган бу алманах 12 бўлимдан иборат.

Алманах ёшлар учун нафақат зарур ва қизиқарли ахборот манбаи, айни пайтда миллий ғурур ҳиссини кучайтиришга қаратилган восита ҳамдир. Дискдаги ахборотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилган.

**Динора ДЎЛТАЕВА**

## ЮРТНИНГ ЭГАСИ БОР

Ёмғир билан ер кўкарар, тинчлик билан эл кўкарар, дейди доно халқимиз. Неча юз йиллардан буён авлоддан авлодга ўтиб келаётган бу ҳикматли сўзларнинг замирида бебаҳо гавҳардан ҳам қимматроқ, бекиёс маъни яширингандир. Эл бир гапни билиб айтади.

Истиқлолимизнинг тўққизинчи йилида, асрлар, не-не давру давронларнинг масофасию маҳобати босиб ўтилган шу қисқа муддат ичида бизга, ўзбеклар диёрига ҳавас ҳам иштиёқ кўзи билан қаровчи хайрихоҳларимиз, дўсту биродарларимизнинг сафи, Худога шукрлар бўлсинки, кўпайди, кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон мамлакатлари қаторида ўз сўзини айтмоқда, юртимиз, юрт эгаларининг жаҳон ҳамжиҳатлари орасида ўз мақсад муддаоси аён. Бизнинг Ватан ўзининг қадимий, жафокаш ва ҳалол эли билан том маънода Яхшилик ва Эзгулик тарафдори, диёримизнинг гуллаб-яшнаши, Ватанлар ичра Ватан — тараққий топган, ҳар томонлама ривожланган, тўқ ва фаровон, маънавий соғлом ва баркамол бир юртга айланмоғи учун заҳмат чекаётган танти бир эл — ўзбек эли. Унинг биттаю битта истаги — шу юрт тинч бўлса, оғирию енгилини, меҳнатини қилса, уй қурса, бола-чақа ўстирса, едирса, кийдирса, орзу-ҳавасини кўрса...

Афсуслар бўлсинки, бизнинг шу оддий тинчлигимизни ҳам кўролмайдиган кучлар бор экан. Надоматлар бўлсинки, Яратганнинг ўзи инсон боласига бермиш тинчлик-хотиржамликка ҳам ола кўз, ғайир кўнгиллар ила қарагувчи нокаслар бор экан дунёда. Булар тўдаларга бўлинадими, гуруҳ-гуруҳ бўлиб тоғу даралаларга писиб-қисиниб юрадими — барининг номи битта — ёмонлик, адоват. Узун ва Сариосиё тоғларида бир эл, бир мамлакатнинг тинчу оромини бузиб, ғашига тегаётган бу тўдаларнинг аянчли қисматини бутун халқ кўриб турибди.

Беҳикмат бўлмагай тоғларнинг тоши, демишлар боболар. Бу тошларнинг бетимсол ҳикмати Ватандир, бизнинг Ватанимиз. Ғайир, ғараз кучлар яна шуни ҳам билиб қўйсинларки, бу юртнинг эгаси бор, мард ва фидойи ўғлонлари бор. Бу тоғларнинг тошларига озод Ўзбекистон аскарларининг она Ватан тинчлиги йўлида қонлари тўкилди, қошу кўзларидай азиз фарзандларимиз қурбон бўлдилар. Худо бу ўғлонларни раҳмат қилсин, ота-оналарига сабр берсин. Биз айни пайтда шу тоғларда ҳаловату оромдан кечиб, Ватан олдидаги бурчларини фидойиларча бажараётган довюрак аскарларга ҳам куч-қувват тилаймиз, уларни Худо паноҳида асрасин, деймиз. Ва яна шу тўдаларнинг истеҳкомларию беркинган жойларигача аниқлаб топишда, уларни таъқиб қилиб, қуршаб, ер билан яксон этишда жонбозлик кўрсатган йигитларнинг камтарона хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқни истар эдик. Бу қўрқмас ўғлонлар қийин тоғ шароитларига қарамай ўз вазифаларини шараф билан адо этдилар. Йўқ, бу йигитлар сира керилмайдилар, «Биз вазифамизни бажардик, халос», дейишади, улар.

Кундан кунга оройиш топаётган Ватанимизнинг бахту иқболидан қувонаётганларга бағримиз очиқ, бизни кўролмаётганлар эса пичоқни ўзларига санчсинлар!

**Оталар бир умр заҳматлар чеккай**
**Рўзғорнинг тинчию бутлиги учун.**
**Фарзандлар шул сабаб жонларин тиккай**
**Шу ерда она Ватан, юртлиги учун.**
**... Ватан берилмагай, олинмагай ҳам,**
**Ҳеч ким юлолмагай дил билан жондан.**
**Кўзу қорачиқлар, киприклардай жам,**
**Ватан эъзозлангай, асралгай Ватан!**

**Сирожиддин САЙЙИД**

*Ҳушёрликка даъват*

## БУЮК ЧОРЛОВ

Жанубий ҳудудларимизда эшитилган ўқ овози энг аввал мунис оналарнинг юзига соя солди. Ватан озодлигини ҳимоя қилаётиб, фарзанди ёвуз душман ўқидан яраланган оналар қалби ларзага келди. Муҳтарам волидаларимизнинг ёвуз душман кўксига ўқ бўлиб санчилаётган нафрат тўла сўзлари ҳаммани ҳушёр торттирди. Ўзлигини англаган ҳар бир фуқаро қалбида қасос ўти аланга олди. Миллат шаъни учун, Ватан шарафи учун, эл-юрт осойишталиги учун кураш сафлари мустаҳкамланди. Уйғоқликка, ҳар дақиқада ҳушёр туришга, ҳудудларимиз дахлсизлигига масъулликни теран англашга чорлов бўлди оналарнинг сўзлари. Ахир, она сўзи — бу Ватан сўзидир, она сўзи буюк даъватдир.

Президентимиз Ислом Каримов 22 август куни халқаро террорчиларни тугатиш давом этаётган Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларида бўлиб, қуролли кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги билан танишган кезларида ҳам бу масала яна бир бор барчанинг эътиборини жалб этди. Ватанни баландпарвоз сўзлар билан ҳимоя қилиб бўлмаганидек, ёвуз душманни ҳам қуруқ мушт ўқталишлар билан енгиш қийин. Жангчими, зиёли ёки деҳқонми, ишчию тижоратчими — ким бўлишимиздан қатъи назар ўз ўрнимизда сергак ва ҳушёр бўлсаккина, ўзимизни Ватан фарзанди дейишга ҳақлимиз. Буни озод Ватаннинг ҳар бир фуқароси теран англамоғи ва ўз юртини ёвуз тўдалардан ўзи ҳимоя қилмоққа ҳамиша шай турмоғи лозим. Ўзини Ватан посбони деб билган ҳар бир фарзанд чин ватанпарварлик ҳисси билан яшамоғи керак. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг яқинда Бишкекда бўлиб ўтган учрашувида таъкидланганидек, Марказий Осиё, Чеченистон ва Афғонистонда кечаётган воқеалар ягона занжирнинг ҳалқалари бўлиб, уларнинг ортида минтақа давлатларидаги конституциявий тузумни ағдариш ниятида бўлган кучлар турибди. Улар эса ўз қўпорувчилик хуружларини "исломий ҳаракат" ниқоби билан хашпўшлашга уринмоқдалар.

Ахир, ўйлаб кўринг: бундай террорчи тўдалар Марказий Осиёдаги хуружларига сурункали тус беришга уриниб, минтақада дунёвий давлат қуриш йўлини танлаган мамлакатларда барқарорликни издан чиқаришга қаратилган хатти-ҳаракатлари билан амалда исломий қадриятларнинг обрўсига путур етказмаяптиларми? Наҳотки, миллату элатлар орасидаги меҳр-оқибатни, биродарликни, ҳамжиҳатликни улуғловчи ислом дини учун ўз ҳуррияти, озодлигини ҳимоя қилаётган халқларнинг орзу-интилишлари бекадр бўлса?! Улар ўзларининг ғайри қонуний, ғайриинсоний, қолаверса, ғайри исломий хуружлари билан амалда ислом динини равнақ топтириб келаётган халқларнинг озодлик йўлига тўғаноқ бўляптилар-ку. Узоқ давом этган миллат фидойиларининг омонсиз курашлари туфайли ўз бошидан мустамлакачилик асоратларини итқитиб ташлаб, ўзининг мустақил давлатчилигини тиклаган ва ҳуррият йўлини танлаб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топиб бораётган халқларнинг мустақиллигига, осойишталигига раҳна солиш, наҳотки, бирор-бир эътиқодга мос келса? Бўлмаган гап. Ўзларининг қўпорувчилик хуружларини "исломий ҳаракат" дея баҳолаётгани ёвуз ниятли террорчи тўдаларнинг шунчаки сафсатаси, холос.

Халқимиз хиёнатни асло кечирмайди, боз устига ўз осойишталигига, мустақиллигига қилинган ҳар қандай тажовузларга қақшатқич зарба беришга ҳамиша тайёрдир. Жанубий ҳудудларимизга суқилиб кирмоқчи бўлган ёвуз тўдалар хуружига берилган зарбалар шундан далолатдир. Бу жангларда бир нечта фидойи ўғлонларимиз мардларча ҳалок бўлдилар. Ватан уларнинг жасоратини асло унутмайди!

Биз она халқимизнинг курашларда тобланган метин иродаси олдида таъзим қиламиз. Авлодлар шаънини асрлардан асрларга олиб ўтган шавкатли аждодларимиз, мустақиллик йўлида шаҳид кетган фидойи оталаларимиз жасорати олдида бош эгамиз. Ва уларнинг ўлмас эътиқодларини ўзлари учун маънавий мерос деб билган — бугунги озод Ватанни ёвуз кўзлардан мардларча ҳимоя қилаётган жасур фарзандларимизга ишонамиз, уларнинг собит ишонч ва саъй-ҳаракатларига балли деймиз.

Дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам билиб қўйишсин: Ўзбекистон бугун тўққиз йил аввалги ёш бир мамлакат эмас. У эндиликда ўзининг замонавий ҳарбий техника билан таъминланган қудратли қуролли кучларига, Ватан озодлигини ҳар қандай ҳавойи манфаатлардан устун қўйишга қодир эътиқоди бутун ёшларнинг мустаҳкам сафларига эга. Президентимиз босқинчиларга қарши курашаётган ҳарбийлар билан бўлган суҳбатда таъкидлаганларидек, **бизнинг янги, миллий армиямиз энг замонавий қуроллар билан таъминланган, шиддаткор, куч ва билимда, маҳоратда ҳеч кимдан қолишмайдиган аскар ва офицерлардан ташкил топаётир.** Мустақил давлатимиз хавфсизлигини, бунёдкор халқимиз осойишталигини таъминлаш — муқаддас бурчимиздир.

Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, эътиқоди бутунлиги, ўзлигини англаб етгани эса — бизнинг энг катта бойлигимиз. Зеро, ўзлигини англаган, сафлари мустаҳкам, бутун халқни енгадиган куч йўқ. Бундай халқ ва бундай миллат ўзлигини ҳимоя этишга қодирдир.

Истиқлол шарофатидан ғурури юксалган халқимиз бунёдкорлик йўлидан изчил бормоқда. Яратувчанлик ишлари билан озод Ватан чиройига чирой қўшмоқда. Мустақилликни асраш, уни ёвуз кўзлардан ҳимоя қилиш, ҳудудларимиз дахлсизлигини таъминлаш деганда биз тараққиётимиз самаралари, ойдин истиқболимизни кўз қорачиғидек сақлашни тушунамиз. Истиқлол неъматларидан баҳраманд ёшларимиз ўз билими ва тафаккури билан мустақил мамлакатимиз маънавий салоҳиятини оширмоқда. Жаҳоннинг энг илғор фани, технология ютуқлари билан қуролланиб, Ўзбекистоннинг халқаро кўламдаги нуфузини оширмоқда. Уларни янги асрдаги ойдин тараққиёт йўлларига илҳомлантираётган куч — бу Ватан шарафи, озодлик туйғуси, истиқлол шукуҳидир.

Ўз истиқлолининг 9 йиллиги байрамини мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида улкан янгиланишлар билан нишонлашга тараддуд кўраётган халқимизнинг куч-қудрати ҳам, фахр-ифтихори ҳам шудир!

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

## СЎЗНИ ҚУРОЛ ҚИЛИБ...

Аброр Ҳидоятов номидаги Ёшлар театрида республикамиз театр санъати намояндаларининг Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманларидаги воқеаларга бағишланган йиғилиши бўлди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири ўринбосари, «Ўзбектеатр» бирлашмаси бош директори М. Абдуқундузов очди. «Ватанимизнинг жанубий сарҳадларига суқилиб кирган жангариларнинг хатти-ҳаракатлари мустақил ватанимизнинг оддий фуқароси сифатида биз санъаткорларнинг ҳам қалбларимизни ларзага келтирди, — деди у. Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Отаназар Матёқубов Зикир Муҳаммаджонов, Фароғат Раҳматова, Усмон Азим, Муяссар Раззоқова, Ҳамид Икромов, Лутфулла Саъдуллаев, Микоэл Хачатуров, Афзал Рафиқов, Азиза Бегматова каби маданият ва санъат намояндалари ҳам ўз сўзларида бу воқеалар халқимиз ҳамжиҳатлигига раҳна сололмаслиги, бизнинг асосий вазифамиз ҳушёрлик ва огоҳликни кучайтириш, истиқлол берган маънавий неъматларни кўз қорачиғидек асраш эканини таъкидладилар.

**Мукаррама МУРОДОВА**

## ЗИЙРАКЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Шу кунларда турли меҳнат жамоаларида ора йўлда қолиб, эл-юрт нафратига дучор бўлган террорчиларнинг ёвуз хуружларини қоралашга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Чоршанба куни «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасида бўлиб ўтган ана шундай йиғилишда ҳам касб-коридан қатъи назар, озод Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси юртимиз хавфсизлиги ва дахлсизлигини кўз қорачиғидек асрашга, мамлакатимиздаги барқарорликни сақлашга масъул эканликлари таъкидланди. Йиғилишда «Ўзбекнаво» бирлашмаси таркибидаги дирекциялар, бадиий жамоалар ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишни бирлашма раҳбари Анвар Жабборов очиб, ёвуз ният билан муқаддас тупроғимизга оёқ босган газандалар, албатта, янчиб ташланиши муқаррарлиги, ҳозирги шароитда эса ҳар бир фуқаро ўзи яшаб турган уй, маҳалла, мавзеда зийракликни қўлдан бермай, доимо огоҳ бўлиши зарурлиги ҳақида гапирди. Сўзга чиққан санъаткорлар тинч ва осойишта турмушимизга раҳна солишга уринаётган ғараз ниятли кимсаларнинг машъум режалари амалга ошмаслиги, уларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари пайи қирқилиши муқаррарлигини ишонч билан таъкидлашди.

* * *

Дарҳақиқат, мамлакатимиз жанубига суқулиб киришга уринган бир гуруҳ ғаламисларнинг кирдикорлари турли меҳнат жамоаларда бўлиб ўтаётган йиғилишларда кескин қораланмоқда. Бундай йиғилишларда сўзга чиққан ёзувчи ва шоирларимиз, ижодкорларимиз ўзларининг таъсирчан сўзларида барчани огоҳликка, ҳушёрликка даъват этмоқдалар. Халқ қаҳрига учраганларнинг қисмати тарихдан аён: улар ўз қилмишларига яраша шафқатсиз жазога тортилажаклар. Ижодий жамоаларда, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда давом этаётган бундай тадбирлар фуқароларимизнинг якдиллигини, Ватан тинчлиги ва осойишталиги учун ҳар қандай ёвуз кучларга муросасиз зарба беришга тайёрлигини кўрсатмоқда.

## МИНГҚОБИЛ БОБО ВА «ҚУРАЛАЙ» КЎЗЛАР

Халқимиз санъатининг тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Азал-азалдан ота-боболаримиз санъатсевар, кулгиталаб, томошага ўч бўлганлар. Айниқса, ўзбек миллий ашула ва рақслари, халқ термалари, лапарлар, айтишувлар машаққатли меҳнат жараёнида одамларга маънавий-руҳий қувват бағишлаган. Чунки ҳар қандай ашула ва рақсда инсоннинг орзу-ўйлари, турмуш тарзи ўз аксини топади. Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти санъати ўзига хослиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Булар орасида Сурхондарё вилояти миллий ашула ва рақсларининг ўрни алоҳидадир. Зеро, сурхондарёликларнинг санъати бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб, бойиб келмоқда. Мустақиллик даврида эса бу санъат янада гуллаб-яшнади. Ўтган йиллар давомида вилоятдаги фолклор-этнографик жамоаларнинг репертуари бойиб, мавзу жиҳатдан ранг-баранглашди. Бу жамоалар қадим



санъат анъаналарини сақлаб қолиш билан бирга, бугунги замонавий санъат дурдоналаридан фойдаланиб, ўзига хос концерт дастурлари тузмоқдалар.

Сурхондарёда фолклор-этнографик ансамбл илк бор Сариосиё туманида ташкил қилиниб, унга «Зевари» номи берилган эди. Илгари 30 кишидан иборат ансамбл таркибида қишлоқ мактабининг юқори синф ўқувчилари ва дала меҳнаткашлари қатнашарди. Ҳозир ҳам бу ансамбл Р. Турсунов раҳбарлигида ўз концерт дастурларини вилоят меҳнаткашларига намойиш этиб келмоқда. У фақат республикамизда ўтадиган тадбирларда эмас, қўшни Тожикистонда

2-бет

## Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллиги олдидан

# ЭЪТИҚОД ҚАЛЪАСИНИНГ ПОСБОНИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Биз ўзбеклар имонда мустаҳкам, эътиқодда холис халмиз. Мусулмончилик ибодатларини мукаммал ва гўзал адо этиш ҳамма вақт самимий эътироф этиб келинади. Халқимизнинг одоб-ахлоқ, ширин муомаласи, юриш-туришда самимийлиги, олди-сотди, ва умуман, турмушдаги ҳалоллиги ҳамма жойда маълумдир. Шубҳа йўқки, ўзбек халқининг яхши инсонларга хос бўлган фазилатлар касб этишида ислом дини ва унинг ақидалари катта аҳамиятга моликдир. Чунки исломнинг асослари — Қуръони карим ва Суннати набавия буюк Аллоҳ томонидан юборилган, инсонларнинг маънавий тарбияси кучайишига хизмат қиладиган дастур ул-амалдир. Бу муқаддас асослардан илҳомланиб, уларни шарҳлаб, дин асослари амрлари ва қоидалари тўғрисида кўп китоблар ёзилган. Уларнинг муаллифлари мусулмон дунёси халқларидан етишиб чиққан олимлардир. Бироқ асримизнинг бошларидан ҳозиргача ўтган йилларда диний таълим ва тарбия тўхтатиб қўйилди, диний китоблар чоп этилмади. Халқимиз маънавий жиҳатдан заифлашди. Оқибатда араб, форс тилларида ёзилган диний ва бошқа китобларни ўқиш-ўрганиш қийинлашди. Диний саводсизлик, ота-боболарнинг эътиқодларидан бехабарлик, асосан ёшларни турли диний-сиёсий оқимларнинг енгил ўлжасига айлантирди. Ҳолбуки, илгари ҳам диёримизга турли оқимлар ўзларининг бузуқ ғоялари билан келиб туришган. Аммо аҳолининг энг зарур диний билимларга эга эканлиги, уламолар эса, мазкур оқимларнинг ғояларига қарши ўз вақтида зарба бериб туришлари давлатни ва халқни экстремизм балосидан сақлаб қоларди.

Ўзбек халқи орасида шуҳрат топган Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» китобида бундай оқимларнинг зарарли экани, улардан йироқ бўлмоқ зарурлиги айтилади:

**Шарорат аҳлининг пайванди бўлма,**
**Ҳаво бирла ҳаваснинг банди бўлма.**

Бу байтнинг маъносини Тожуддин «Рисолаи азиза» асарида шундай шарҳлайди: «Бандачилик дегани аҳли суннат вал-жамоат эътиқодини берк (маҳкам) тутиб, улар нимани эътиқод қилсалар, ўша эътиқодда бўлмоқликдир. Бизларнинг ўз мазҳабимизга хилоф қилувчилар эътиқодидан йироқ бўлмоқ лозимдир. Булар равофиз, шиъа, даҳрийя ва ваҳҳобийя кабилардир».

Ўз даврида Самарқанддан чиққан улуғ калом илми соҳиби Абу Мансур Мотуридий ҳазратларининг бу соҳадаги хизмати беқиёсдир. У киши халқ орасида пайдо бўлган турли оқим ва ақидапарастларга қарши соф ислом ақидасини ҳимоя қилиб, Имом Аъзам мазҳаблари бўйича тузилган ақидани мусулмонлар орасида ёйган олимдир.

### МОТУРИДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛЛАРИ

Мотуридийнинг тўлиқ исм-шарифлари — Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир.

Мотурид Самарқанд яқинидаги қишлоқлардан бирининг номи бўлиб, у ҳозир халқ тилида бузилган шаклда «Матрит» деб аталади. Аслида эса, манбаъларда айтилишича, қишлоқнинг номи арабча «Мо турид?» сўзидан олинган. Маъноси «Нима демоқчисан?» деганидир. Айтишларича, Шайх Абу Мансур калом илмига ружу қилган пайтларида шогирдлари кўпайиб кетган ва улар ўзаро баҳслашганларида бир-бирларига араб тилида кўпинча «Мо турид» деб мурожаат этганлар. Шу сўз кўпчиликнинг қулоғига тез-тез чалинавергач, Шайх шогирдларини мотуридийлар, қишлоқ номини эса «Мотурид» деб атай бошлаганлар (Зарнужий, «Таълим ал-Мутааллим»).

### НАСАБЛАРИ

Насаблари — Пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) Маккаи мукаррамадан Мадинаи мунавварага ҳижрат қилганларида ўз уйидан жой берган машҳур саҳобий — Абу Айюб Холид ибн Зайд ибн Кулайб ал-Ансорий ҳазратларига бориб етади, деб нақл этадилар. Бу нисбатни баъзи муаррихлар рад қилганлар.

Туғилган йиллари ҳақида тарихий манбаъларда қатъий маълумот йўқ, лекин тақрибий ёки тахминий саналар берилган. Масалан, унинг аббосий халифалардан Мутаваккил (232 — 247 ҳижрий) даврида яшаганликлари аниқ. Яна, Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий (вафоти 248 ҳижрий) ва Наср ибн Яҳё ал-Балхий (вафоти 268 ҳижрий) каби устозлардан сабоқ олганликларини назарда тутилса, Шайхнинг туғилган йилини 238 ҳижрий деб тахмин қилиш мумкин.

Лекин бошқа бир манбаъда, аниқроғи, «Ислом» қомусида туғилган йиллари 870 мелодий йил, деб кўрсатилган. Шунга асосан 2000 йили таваллудларининг 1130 йиллиги нишонланаётир. Бу ҳисобга кўра, Шайх таваллудлари 257 ҳижрий йилга тўғри келади..

Вафоти саналари тўғрисидаги маълумотларнинг энг ишончлиси 333 ҳижрий йил ҳисобланади. Бу мелодий сана бўйича 944 йилга тўғри келади.

Мотуридия уламоларининг энг машҳурларидан Абу Муин ан-Насафий (438 — 508 ҳижрий/ 942 — 1114 мелодий) «Табсират ул-адилла» китобида шундай ёзадилар: «Абу Мансур Мотуридий вафот этганларида яқин шогирдларидан бири Абулқосим ал-Ҳаким унинг қабр тошига қуйидаги битикни ёздирган экан: «Бу қабр нафаслари миқдоридаги илмларни ўзида жам этган, бор кучини у илмларни тарқатиш ва ўргатиш билан тугатган, бас, шунинг учун диний асарлари мақтовга сазовор бўлган ва ўз умридан серҳосил меваларни олишга эришган зотнинг қабридир».

Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг қабри Самарқанд шаҳрининг Чокардиза қабристонида эканлиги ишончли манбаълар ва илмий тадқиқотлар асосида ўз тасдиқини топди. Шунга биноан, 2000 йилнинг май ойида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан бу хусусда махсус фатво чиқарилди.

### ИЛМИЙ УНВОНЛАРИ

Имом ул-ҳудо (Ҳидоятга элтувчи имом);
Қудвату аҳлис-сунна (Аҳли суннат пешвоси);
Мусаҳҳиҳу ақоид ил-муслимин (Мусулмонлар ақоидини ислоҳ этувчиси);
Имом ул-мутакаллимин (Калом илми эгаларининг имоми);
Рабибу аҳлис-сунна (Аҳли сунна вал-жамоа тарбиясини олган);
Ал-имом аз-зоҳид (Дунёни тарк этган имом);
Аш-шайх ал-имом ва ҳоказо.

### УСТОЗЛАРИ(ШАЙХЛАРИ)

Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг устозлари ёки шайхлари Имом Аъзам Абу Ҳанифа — Нўъмон ибн Собитнинг шогирдлари ёки шогирдларининг шогирдлари бўлганлар. Улардан баъзиларини эслатиб ўтамиз:

1. Абу Наср ал-Иёзий (Аҳмад ибн Аббос). Бу зот Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжонийдан таълим олганлар. Шайх Абу Мансур ҳам фиқҳ дарсида Абу Насрга шерик бўлиб ал-Жузжонийда ўқиганлар. Ал-Иёзий сомонийлар даврида дор ул-ҳарбда асир ҳолида турк диёрида шаҳид бўлганлар.

2. Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий. Рай шаҳрининг қозиси бўлган бу зот Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийда ўқиганлар. Машҳур муҳаддис саҳобий Вакеъ ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Имом Бухорий ҳам ундан ҳадис тинглаганлар. Ҳаким Термизий ҳам у зотдан ҳадис ривоят қилганлар. Вафотлари тўғрисида 248 ҳижрий ва 242 ҳижрий каби саналар кўрсатилган.

3. Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжоний. Бобосининг исми Субҳ ёки Субайҳ эканида муаррихлар ихтилоф қилганлар. Бу зот фиқҳ илми усуллари ва фуруълари соҳасида, турли фанларда юқори даражаларга эришганлар. «Ал-фирақ ват-тамйиз», «Тавба» ва бошқа китоблар муаллифидирлар.

Абу Бакр ал-Жузжоний ҳам Абу Ҳанифанинг йирик шогирдлари Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан ҳузурида дарс тинглаган уламолардандир. Вафотлари 268 ҳижрийда.

4. Наср ибн Яҳё ал-Балхий. Бу зот ҳам мазкур шайхлар каби Абу Сулаймон ал-Жузжоний, Абу Мутеъ ал-Ҳаким Абдуллоҳ ал-Балхий ва Абу Муқотил Ҳафс ибн Муслим ас-Самарқандийдан сабоқ олган ҳанафий мактабига мансуб фиқҳ ва калом уламоларидандир.

### ШОГИРДЛАРИ

Абу Мансур Мотуридий ҳазратлари ақида фанидаги сунний-ҳанафий йўналишини давом эттириб, кўп изланишлардан кейин мотуридия мактабига асос соладилар. Шу аснода кўплаб шогирдларни етиштириб чиқарганлар Қуйида улардан баъзи машҳурлари тўғрисида қисқача маълумот берамиз:

1. Абулқосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Зайд ал-Қозий ал-Ҳаким ас-Самарқандий (вафоти 335 ҳижрий ёки 342 ҳижрий. Чокардиза қабристонига дафн этилган).

У зот Шайх Мотуридийнинг энг йирик шогирдларидан бири бўлиб, тасаввуф илмини Балх машойихларидан, фиқҳ ва калом илмини Шайх Абу Мансур ҳазратларидан олганлар. Узоқ вақт Самарқандда қозилик вазифасини ўтаганлар.

Асарларидан «Саводи аъзам», «Имон» рисоласи кабилар машҳурдир.

2. Абулҳасан Али ибн Саид ар-Рустуғфаний ас-Самарқандий. Ҳанафия фиқҳи ва усули бўйича шуҳрат қозонган. У билан устози Шайх Мотуридий ўртасида мужтаҳид хатосига оид масалада ихтилоф кечган. «Иршод ул-муҳтадий», «Аз-завоид вал-фавоид», «Ал-асилату вал-ажвиба», «Баён ус-суннати вал-жамоа» каби асарлар муаллифидир. Вафоти 350 ҳижрий/ 961 мелодий.

3. Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо ибн Исо ал-Баздавий. Насафдан олти фарсах узоқликдаги Базда ёки Баздава қишлоғидан. Асосан фиқҳ илмида машҳур бўлган. Унинг зурриётидан йирик мотуридия уламолари дунёга келган. Масалан, Абулйуср ал-Баздавий (вафоти 493 ҳижрий/ 1100 мелодий), Абулҳасан ал-Баздавий (вафоти 482 ҳижрий/ 1089 мелодий) шулар жумласидандир. Ўзи 390 ҳижрий — 999 мелодий йили вафот этган.

4. Абу Аҳмад ибн Абу Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ал-Иёзий. Абу Мансур ҳазратларининг устозлари Абу Наср ал-Иёзийнинг ўғли. Фиқҳ, нутқ, иффат ва тақвода беназир бўлгани ҳақида нақл қилинади.

5. Абу Абдураҳмон ибн Абуллайс ал-Бухорий. Калом ва фиқҳ илмларини Абу Мансур ҳазратларидан олган. У Абулқосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий билан кўп вақт биргаликда таҳсили илмда бўлган.

Улар ўз устозларини жуда ҳурмат қилганлар. Айни вақтда унинг таълимотини давом эттиришганлиги туфайли мотуридийа калом мактаби вужудга келган.

Маълумки, диний илмлар жамият тараққиётида, инсонларнинг камол топиши ва улар дунёқарашларини шакллантиришда алоҳида ўрин тутади. Ал-Мотуридийнинг кўпгина асарлари туркий элатларга исломий одоб қоидалари, шариат қонунлари, маънавий-ахлоқий камолот сирларидан таълим беришга мўлжалланган.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Китоб ат-Тавҳид», «Китоб ал-мақомот», «Китоб ал-Жадал», «Таъвилот аҳли ас-сунна», «Китоб Байон ваҳим ал-муътазила», «Радд ал-усул ал-хамса», «Китоб радд авалъил ал-адилла ли-л Каъабий», «Радду Китоб ал-Каъаби фи ваъид ал-фуссақ», «Китоб радд таҳзиб ал-жадал ли-л Каъаби ал-усул», «Китоб ал-имома ли-баъзи ар-Равафиз» каби асарлари бор.

Лекин бу санаб ўтилган асарлар ҳақида тўлиқ бир тасаввур йўқдир. Чунки илк ўрта аср мутакаллимларининг кўпгина асарлари каби, унинг ҳам асарларининг аксарияти етиб келмаган. Фақатгина «Китоб ат-Тавҳид» ва «Таъвилот аҳли ас-сунна» асарлари сақланиб қолган.

Мутакаллимнинг энг муҳим асарларидан «Китоб ат-Тавҳид» 1970 йили Фатҳуллоҳ Хулайф томонидан Байрутда нашр этилган. Ҳозирда у Англиядаги қўлёзма фондларининг бирида сақланади. Ягона ҳисобланган бу нусха ҳақида кўпгина тадқиқотлар олиб борилган. Туркиялик олим Саид Ўзерворлининг ёзишича, бу асарнинг бошқа нусхалари фақатгина Ўрта Осиё ёки унга қўшни бўлган мамлакатлар қўлёзма фондларидан топилиб қолиши мумкин.

Ал-Мотуридийнинг калом борасидаги энг асосий асари «Китоб ат-Тавҳид» ҳисобланади. Манбаъларда унинг худди шу асари илк калом таълимотини ўрганишда муҳим аҳамиятга моликлиги таъкидланади. Шу сабабли у кўкларга кўтариш ёки ортиқча мақтовга муҳтож ҳам эмас. Шу тариқа, «Китоб ат-Тавҳид» бир неча сабаблар туфайли илоҳиёт борасидаги асосий манбаълар қаторига киритилади. Ал-Мотуридий таълимотининг ўрганилиши борасида «Китоб ат-Тавҳид» тадқиқот марказида туриши аниқдир.

Ал-Мотуридийнинг яна бир машҳур асари ҳисобланмиш «Таъвилот аҳли ас-сунна» («Қуръон тавили»)нинг ҳозирги кунда бир неча нусхалари дунё фондларида сақланмоқда. Ал-Мотуридийнинг бу асарни ёзишдан мақсади «Аҳл ас-сунна ва-л-жамоъа» (яъни Мовароуннаҳрдаги ҳанафийлар) таълимотига зид қарашларни рад этишдир. Аллома бунда асосан Абу Ҳанифа қарашларига суянади. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Таъвилот аҳли ас- сунна» асарининг биринчи жилди 1971 йили Саййид ва Иброҳим Авадайнлар томонидан нашр этилди. Худди мана шу китоб А. А. Раҳмон томонидан 1982 йили янги қўшимчалар билан қайта нашр қилинди. Ф. Сезгин «Араб қўлёзмалари тарихи» асарида «Таъвилот аҳли ас-сунна» асарининг дунё фондидаги нусхалари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Ал-Мотуридий ўз мактабининг анъаналари ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактабининг ривожланишига катта улуш қўшди. У яратган таълимот ислом динининг буюк ақидавий оқимларидан бири сифатида танилди ҳамда ҳанафийа таълимотининг Ўрта Осиё халқлари урф-одатларига чамбарчас боғлиқлигини ўз қарашлари орқали кўрсатиб берди.

Мотуридийа калом мактабининг ўрганилиши тарихига мурожаат қилсак, мактабнинг ривожланиши ва ҳозирги кунгача етиб келишида Ўрта Осиёдан етишиб чиққан бир қанча алломаларнинг ўрни жуда катта бўлганини кўрамиз. Мотуридийа калом мактабининг кўзга кўринган намоёндаларидан мутакаллим Абу ал-Муъин ан-Насафий (вафоти 508/1114 йил), қонуншунос, тилшунос олим Алоуддин ас-Самарқандий (вафоти тахминан 1145 йил), фақиҳ Фахр ал-Ислом Абу ал-Ҳасан ал-Паздавий (вафоти 482/1089 йил), мутакаллим Абу ал-Йусур Муҳаммад ал-Паздавий (вафоти 493/1100йил), тарихнавис, географ ва фақиҳ Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафий (вафоти 1142 йил) каби алломаларни айтиб ўтиш даркор. Калом мактабининг ривожига кейинги асрларда ҳам Ўрта Осиёдан етишиб чиққан кўплаб алломалар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Улардан Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний (вафоти 1390 йил), Хожа Муҳаммад Порсо(вафоти 1420 йил)ларни кўрсатиш мумкин.

### АҲЛИ СУННАТ ЭЪТИҚОДИ

Маълумки, ақида масаласи жуда нозик масала бўлиб, бу ҳақда ҳар бир мусулмон ўзига лозим бўлган даражада илмга эга бўлиши керак. Ислом уломолари бу масалага катта эътибор берганлар ва халққа осонлик яратиб «Аҳли суннат вал жамоат» эътиқоди мазҳабини тузганлар. Юртдошимиз Абу Мансур Мотуридий таълим берган ақида айни аҳли суннат вал-жамоат ақидаси бўлиб, диёримизда машҳур бўлган ҳанафий мазҳаб соҳиблари Имом Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳи)нинг ақида бобида тузган мазҳабларига ҳамоҳангдир. Биродарларимизга мазкур ақидадан бир оз маълумот бермоқчимиз.

Мусулмон кишига аввало «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур росулуллоҳ» калимасининг маъносини билиш ва уни дили билан тасдиқ этиш лозим. Буни тавҳид дейилади. Мусулмончиликнинг барча амаллари Аллоҳнинг ҳузурида ибодат деб қабул қилиниши учун тавҳид шарт. Акс ҳолда, беҳуда иш ҳисобланади. Аҳли суннат вал-жамоат уламоларининг бу ҳақдаги фикрлари шундай. Улар тавҳиднинг маъносини шундай тушунтирадилар: «Худойи таоло бор ва у ягона. Унинг бирлигига шак-шубҳа йўқ. Унинг шериги ва ўртоғи йўқ. У мутлоқ мавжуд бўлган, қойим тургувчи бир зотдир. Аллоҳнинг буйруғи бўлади ва ундан ҳеч ким қутулиб кетолмайди. Аллоҳнинг зотида собит бўлган саккиз сифати бор. Бу сифатлар унинг зоти ҳам эмас, зотидан айри ҳам эмас, яъни азалий ва абадий сифатлардир. Биринчиси — ҳаёт, иккинчиси — илм, учинчиси — қудрат, тўртинчиси — басар (кўриш), бешинчиси — самъ (эшитиш), олтинчиси — ирода, еттинчиси — калом, саккизинчиси — таквиндир.

Аллоҳнинг ҳаёти деганда, бошқа мавжудотларда бўлганидек, ибтидо ва интиҳоси бор, ҳаёти ўлчовли деб эмас, балки унинг ҳаёти азалий ва абадий, деб тушунмоғимиз керак. Бу ҳақда Қуръони каримнинг «Ҳадид» сурасида шундай дейилади: «Аввал ҳам, охир ҳам, зоҳир ҳам, ботин ҳам у (Аллоҳ)дир» (Ҳадид,3).

Яна бир ояти каримада: «Барча мавжуд нарсалар йўқ бўлади, илло Аллоҳнинг ўзи боқий қолади» (Қасос, 88).

Аллоҳнинг илми деганда, инсонлар илмидан фарқ қилувчи илм тушунилади. Чунки «илм» сўзи «билмоқ» бўлиб, инсонлар аввал бехабар бўлган нарсадан хабар топсалар, уни илм дейдилар. Аллоҳ эса, аввал ҳам, кейин ҳам, ошкора нарсани ҳам, махфий нарсани ҳам билувчидир. «Шубҳасиз, Аллоҳ еру осмонлар илми ғайбини билади» (Ҳужурот, 18).

«Аллоҳ учун еру осмондаги бирор нарса махфий эмасдир» (Иброҳим, 38).

Мазкур икки оятдан чиқадиган хулоса фалосифа мазҳаблари фикрини ботил қилади. Чунки улар Аллоҳнинг илмига нуқсон ясаб, «Аллоҳ куллиётнигина билади, аммо жузъиётни билмайди» — дейдилар.

Аллоҳнинг яна бир сифати қудратдир. Мавжуд нарсалар — жонлию жонсиз, дунёйу охиратнинг барчаси унинг қудратидан бир белгидир: «Бизнинг буйруғимиз кўз юмиб-очгунчалик лаҳзада бажарилади» (Қамар, 50).

«Аллоҳнинг амри, агар у бирор ишни хоҳласа: «Бўл!» — деб буюради, шу он содир бўлади» (Ёсин, 82).

Демак, Аллоҳ ҳеч бир нарсани жисмоний аъзолар кучи билан бажармайди. «Аллоҳ нарсаларни қўл билан яратди», «унинг қўли, кўзи бор дейиш ёки «Аллоҳ кўкда», «Тепамда Аллоҳ турибди» деб унга макон, жиҳат нисбатини бериш киши имонига футур етказади. «Қуръонда ёки Ҳадисларда айтилган «Аллоҳнинг қўли» сўзидан «Унинг қудрати» тушунилади.

Аллоҳнинг яна субутий сифатларидан самъ (эшитмоқ) ва басар (кўрмоқ)дир. Унинг бу сифатлари ҳам инсон сифатларига қиёсланмайди. Чунки Аллоҳ инсонлардек муайян танага ва унинг аъзоларига эга эмас. Шунинг учун қиёматдан сўнг жаннатда Аллоҳ ўз жамолини аҳли жаннатларга кўрсатиши ҳақидаги Қуръон оятига ишонамиз ва имон келтирамиз: «Мусулмонларнинг юзлари ўша кунда раббиларини кўриб ёришиб кетади» (Қиёмат, 22 — 23). Аммо унинг кайфиятини сўрашдан сақланамиз.

Аллоҳнинг каломи ҳам инсонлар каломидан фарқ қилиб, азалий сифатдир, махлуқ эмасдир. Қўлимиздаги Қуръоннинг қоғозлари, сиёҳи ва хатлари махлуқдир, чунки у инсонлар қўли билан ёзилган, ишланган. Аммо оятларнинг талаффузи ва маъноси азалийдир. Чунончи, ояти каримада: «Ҳар бир катта ва кичик нарса азалда ёзиб қўйилган» (Қамар, 53), дейилади.

Аллоҳнинг еттинчи субутий сифати — таквиндир, яъни бандаларнинг ризқини яратиб, йўқдан бор қилиб беришдир. Бу ишда, биринчидан, яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам, инсоннинг ҳам, ҳайвоннинг ҳам аввалдан белгилаб қўйилган ризқини Аллоҳ яратиб беради. Иккинчидан, ҳалол ризқ ҳам, ҳаром ризқ ҳам Аллоҳ томонидан банданинг ниятига қараб яратиб берилади. Ризқнинг қайси турини танлаш банданинг ихтиёридадир. Аллоҳ жаннат билан дўзахни, инсон билан бирга шайтонни ҳам яратганидек, яхшилик билан бирга ёмонликни, ҳалол билан бирга ҳаромни ҳам яратган ва яратади. Лекин ёмонлик ва ҳаромга рози бўлмайди. Кимки, Аллоҳ гуноҳларимизга рози бўлади, деса имонлилар сафидан чиқади.

Шайх Абу Мансур Мотуридий эътиқод қалъасининг посбони эди. Бу улуғ зотнинг ўлмас асарлари диёримизда эндигина ўргнила бошланди. Ўзбек халқи ўз фарзанди, машҳур аллома Мотуридий билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Чунки ҳанафийа мазҳабидаги асосий эътиқод мактаби сифатида юзага келган мотуридийа калом мактабининг тарихда ўрни жуда муҳимдир.

**Шайх Абдулазиз МАНСУР,**
**Раҳматуллоҳ қори ОБИДОВ,**
**Тошкент ислом университети проректорлари**

## ЭЗГУЛИК - ЖАННАТНИНГ КАЛИТИДИР

### Қудсий ҳадислар

Эй одам фарзанди, билгилки, инсонга ҳалоллик қатра-қатра келур. Ҳаром эса, сел каби мўл-кўл келур. Ҳар кимнинг емиши ҳалолдан бўлса, дини пок бўлур.

* * *

Эй одам фарзанди, билгилки, қайси бир банданинг қалбини мол-дунё йиғиш сеҳри ишғол қилган бўлса, унинг дилини фақирлик хавфи билан банд қилиб қўяман. Ўлимни эсидан чиқариб қўяман ва яна уни мол-дунё йиғиш билан овораи сарсон қилиб, охиратини эсламайдиган, ғофил қилиб қўяман.

* * *

Эй одам фарзанди, билгилки, менинг йўлимда холис ният ила қиладиган амалларингни қабул этаман. Холис ният ва ихлос ила амал қилувчиларга ҳам қандай яхши!

* * *

Эй одам фарзанди, агар сенга бойлик келаётганини сезсанг, билгилки, азоб-уқубати ва жазоси нақд бўлган гуноҳ келаётир.

* * *

Эй одам фарзанди, агар уйингга меҳмон келмай қолса, Парвардигорга: «Лаънати шайтон ёмонлигидан мени ўзинг сақла», дея илтижо қил.

* * *

Эй одам фарзанди, сен ихлос ва солиҳ амал билан менга хизмат қил. Зеро, мен яхши амаллар билан хизмат қиладиган кишини дўст тутарман ва унга ҳам солиҳ инсонларни хизматкор қилиб қўяман. Йўқса, сен ўтган умринг ичида менга қанчалик осийлик қилганингни билмайсан.

* * *

Эй одам фарзандлари, мен зулмни ўзимга ҳаром қилдим ва уни сизларнинг ўрталарингизда ҳам ҳаром қилдим, бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар.

* * *

Эй одам фарзанди, ҳамиша яхши ва эзгу ишларни қилишга одатлан. Зеро, эзгулик жаннатнинг калитидир. Ҳар ким уни қўлга киритса, жаннатга йўл топган бўлади.

* * *

Эй одам фарзанди, ёмонлик ва ёвузликлардан ўзингни узоқ тут. Зеро, ёмонлик дўзахнинг калитидир. Бу калит ўз эгасини албатта дўзахга бошлаб боради.

* * *

Эй одам боласи, билгилки, саломатлик бирликда, ихлос тақвода, художўйлик тавбада, ибодат илмда ва бойлик қаноатдадур.

## «ЎзАС» АХБОРОТИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида Қорақалпоғистоннинг замонавий тасвирий ва амалий санъати кўргазмаси очилди.

Унда рангтасвирчи, академик Ж. Изентоев, ҳайкалтарош, академик Ж. Қутлимуродов, Б. Серекеев, С. Байбосинов, И. Ҳақсибоев каби таниқли мусаввирлар билан бирга, ёш ижодкорлар В. Халиманов, К. Торемуродов, П. Хожаметовлар ҳам илк бор қатнашмоқдалар. Шунингдек, бугунги кунда дунёга энг буюк рассомларни берган Италияда таҳсил олаётган Ж. Изентоев ва Р. Асқаровнинг асарлари ҳам томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган.

Ушбу кўргазма Мустақиллигимизнинг 9 йиллигига бағишланиб, барча вилоятлардаги тасвирий ва амалий санъатнинг истиқлол давридаги ривожини кенг намойиш этувчи кўргазмалар туркумини очди.

**Динора ДЎЛТАЕВА**

* * *

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида голландиялик рассом Анна Лора Куришчук асарлари кўргазмаси намойиш этилмоқда. Бу асарлар рассом 1999—2000 йиллар давомида Тошкентда яшаган пайтда яратилган. Оқ ва мовий рангдаги тасвирий санъат асарлари, фотосуратлар рассомнинг эътирофича, Нидерландияда ишланган суратларидан ўзгачадир.

## ЮРТИМИЗ САХОВАТИ









Содиқжон МАҲКАМОВ суратга олган

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
OZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI
2000 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт, наср ва назм бўлимлари: 136-56-50

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Мукаррама МУРОДОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди —

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 279. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

Тиражи—6288.